

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлиги  
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти**

**Шарқ филологияси факультети**

**Аннотация:** Мазкур реферат Таниқли олим Маҳмуд Замахшарий ҳақида бўлиб рефератда талаба Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига оид тадқиқотлар, Ўрта Осиёда “Ал-Қустос” гача яратилган арузга доир асарлар, Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарининг тавсифи ва унинг нусхалари ҳамда асарга ёзилган шарҳлар ҳақида маълумот беради.

## **РЕФЕРАТ**

**Мавзу: Маҳмуд Замахшарийнинг аруз илмига  
оид асари ва унинг нусхалари**

**Бажарди: 1 курс магистранти  
Худжанова Дилдора  
Қабул қилди: ф.ф.н. Зиёвуддинова Мухлисахон**

**Тошкент 2014**

## **Режа:**

### **Маҳмуд Замахшарийнинг аруз илмига оид асари ва унинг нусхалари**

1. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига оид тадқиқотлар
2. Ўрта Осиёда “Ал-Қустос” гача яратилган арузга доир асарлар
3. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарининг тавсифи ва унинг нусхалари ҳамда асарга ёзилган шарҳлар

# МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ АРУЗ ИЛМИГА ОИД АСАРИ ВА УНИНГ НУСХАЛАРИ

## 1. Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросига оид тадқиқотлар.

Улуғ ватандошимиз араб ва ажам фахри ҳисобланган Жоруллоҳ аз-Замахшарий, тўлиқ исми Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад жаҳон маданиятига салмоқли ҳисса қўшган муфассир, тилшунос, луғатшунос аллома ва шеър назариётчиси сифатида дунёга машҳур бўлган олим.

Ўз давридан бошлаб, ҳозиргача Шарқ ва Ғарб олимлари Замахшарийнинг илмига жуда юксак баҳо бериб келмоқдалар. Шарқ олимлари уни “Устоз-у-л-араб ва-л-ажам” (араб ва ғайри араблар устози), “Фахри Хоразм”, “Жоруллоҳ” каби сифатлар билан улуғлаганлар<sup>1</sup>.

Унинг асарлари мазмун жиҳатдан илм-фаннинг кўпгина соҳаларини камраб олган. Замахшарий ижодида диний илмлар ва луғатшунослик, грамматика, аруз, адабиёт, мантиқ, ҳуқушунослик соҳалари асосий ўрин эгаллайди. Асарларининг рўйхати бир қатор манбаларда турли олимлар томонидан турлича маълумот келтирилган. Жумладан, машҳур немис шарқшунос олими К. Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” номли асарида Маҳмуд Замахшарийнинг 31 та асари ҳақида маълумот берган<sup>2</sup>.

Доктор Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфийнинг “Аз-Замахшарий” номли рисоласида 48 асари мавжудлигини айтиб ўтади<sup>3</sup>. Шунингдек, академик А.Рустамовнинг “Маҳмуд Замахшарий” китобида 39 та асари ҳақида маълумот бўлса<sup>4</sup>, У.Уватовнинг “Маҳмуд Замахшарий” номли асарида Замахшарийнинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиёт, аруз, жуғрофия, тафсир, ҳадис, фикҳ ва илм ал-қироатга оид олтмишга яқин асари мавжудлиги ҳақида маълумот берилган<sup>5</sup>. Араб олими Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд “Асасу-л-балағати” асарида эса, алломанинг 65 та асари борлигини

<sup>1</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 3.

<sup>2</sup> بروكلمان كارل. تاريخ الأدب العربي. دار المعارف بمصر. الجزء الخامس. 1975. ص. 315.

<sup>3</sup> الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي. القاهرة، ص. 58.

<sup>4</sup> Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 10-12.

<sup>5</sup> Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 23

аниқлаган<sup>6</sup>. Алломанинг асарлари орасида фанга маълум, лекин ўзи хали топилмаган тахминан 25 та асари бор.

Машҳур араб олими Ҳожи Халифа ўзининг “Кашф аз-Зунун”<sup>7</sup> асарида Замахшарий номини 57 марта тилга олади ва унинг 18 та асари ҳақида маълумот беради.

Замахшарийнинг номи унинг илмий мероси дунёда айниқса, араб мамлакатларида шундай машҳурки, бир қатор араб давлатлари: Қоҳира, Уммон ва Боғдодда унинг номи билан аталадиган жой номлари ҳам мавжуд.

Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий меросини Ғарб ва Шарқ олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганиб келинган ва хануз ўрганиб келинмоқда. Шулардан, араб олимларидан Аҳмад Муҳаммад ал-Хуфий, Журжи Зайдон, Али ал-Бажовий, Баҳижа Боқир ал-Ҳусний, Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд, Муҳаммад Абул Фазл Иброҳим, Иброҳим ас-Самароий, Ҳусни Абдужалил Юсуф ва бошқалар ўз тадқиқотларини олиб борганлар ва олиб бормоқдалар.

Рус шарқшуносларидан, И.Ю. Крачковский, В.В. Бартольд, А.А. Боровков, А.Крымский, В.Л. Вяткин; ғарб олимларидан К.Броккельман, Бенцинг, Поппе, Ветштейн, Райт, Зайончиковский, Голдциер, Нёлбдекелар шуғулланганлар.

Рус шарқшуноси И.Ю. Крачковскийнинг VI томлик “Избранные сочинения” асарида Маҳмуд Замахшарий ҳақида қуйидаги маълумотларни келтирган:

Олим ва ёзувчи Абул Қосим Маҳмудибн Умараз-Замахшарий грамматика, лексикография соҳаларида ва наср йўналишида юқори услубда ёзилган бир қатор асарлар муаллифи сифатида жуда катта из қолдирган<sup>8</sup>.

Бугунги кунда Маҳмуд Замахшарийнинг илмий меросини тадқиқ этиш жараёни юртимизда ҳам жаҳон миқёсида ҳам изчил давом этмоқда. Охириги

---

<sup>6</sup>Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд “Асасу-л-балағати”. – Байрут, 1998.

<sup>7</sup>Haji Khalfa. Lexicon encyclopaedicum // Primum edidit latine yertit et commentario indicibusque G.Flugel. Leipzig-London, 1835-1858. Voll-VII.

<sup>8</sup>Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том 4. – М-Л...: Изд. Академии Наук СССР, 1957, стр. 313

илмий маълумотларга кўра, 1998 йил Байрутда Махмуд Замахшарийнинг “Асосу-л-балоға” асари Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд томонидан чоп этилди<sup>9</sup>. Фаластинлик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳо “Ал-Адаб ал-арабий фи иқлим Ҳваразм” (“Хоразм ўлкасида араб адабиёти”) илмий тадқиқотини чоп этди. Ушбу тадқиқотда араб ва форс тилларида ёзилган манбаларга асосланган ҳолда, буюк ватандошимиз аз-Замахшарийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилганлиги диққатга сазовор<sup>10</sup>. (Олтин шодалар У.Уватов мақола).

Шунингдек, ўзбек олимларидан академик А.Рустамов, профессор У.Уватов, З.Исломов, Ў.Қориев, А.Қаюмов, З.Абдирашидов, Б. Пирмухамедов, Н.Сулаймонова, М.Носирова каби олим ва олималаримиз томонидан ҳам китоблар ёзилган, илмий тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида Махмуд Замахшарийнинг маънавий мероси илмий истифодага киритилиб, таҳлил этилган 6 та докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди.

Замахшарий ўз ижодининг катта қисмини араб тилшунослигига оид морфология, синтаксис, фонетика ва луғатшунослик каби соҳаларга бағишлаб, шу мавзуда ноёб асарларни мерос қилиб қолдирган. Унинг энг машҳур асарларидан бири “Муқаддамату-л-адаб” дир. У қомусий асар бўлиб, тилшуносликнинг турли соҳалари бўйича бой маълумотлар беради. Шунинг учун ҳам ушбу асар олимнинг бошқа асарларига нисбатан кенгрок ўрганилган ва жаҳоннинг турли мамлакатларидаги кўлёмалар ҳазинасида мавжуд. “Муқаддамат-л-адаб” араб тилини билмаган миллатларга араб тилини ўргатиш мақсадида ёзилган. Унинг араб-форс-туркий, арабча-форсча-туркий-мўғулча, шунингдек, айрим маълумотларга кўра грекча сўзлик киритилган нусхалари ҳам мавжуд”<sup>11</sup>.

---

<sup>9</sup>Носирова М. Махмуд Замахшарийнинг дунё тилшунослигидаги роли ва ўрни// Шарқ машъали. – 2014.№2. 20-б.

<sup>10</sup>Уватов У. Махмуд Замахшарий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.

<sup>11</sup>Исломов З.М. “Муқаддамату-л-адаб” ҳақида//Шарқ машъали. -1996. -№ 1-2. –Б.9.

Ушбу асар бўйича Исломов З.М. томонидан “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили”<sup>12</sup> номли филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тадқиқот яратилган.

Олимнинг яна бир машҳур асари “Асос-ул-балоға”(“Балоғат асослари”) араб тилининг изоҳли луғати. Бу асар алломанинг грамматик меросида муҳим ўрин эгаллаган. А.Рустамовнинг фикрича, “Замахшарий ўзининг “Асосу-л-балоға” асари билан араб луғатшунослигини бир неча поғона юқори кўтарган”<sup>13</sup>. У луғатдасўзларнинг биринчи ҳарфини ва ундан кейинги ҳарфларини назарга олган ҳолда алифбо тартибда беради. Ҳозирги кунда бу усул сал ўзгарган шаклда лексикографияда ҳам қўлланилмоқда. Сўзларни изоҳлашда ҳам Замахшарий кўп ишлар қилган. Замахшарийнинг луғатшунослик соҳасига киритган бир қатор янгиликлари боис “Асосу-л-балоға” йирик шарқшунослар, тилшунослар, тарихчилар томонидан юқори баҳоланган.

Ушбу асар бўйича Сулаймонова Н.А. “Маҳмуд Замахшарий “Асосу-л-балоға” асарининг манбашунослик тадқиқи” филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси мавжуд<sup>14</sup>.

Аллома илмий меросининг гултожи бўлмиш “Ал-Муфассал фи-н-наҳви” – “Наҳв ҳақида муфассал китоб” асари араб тили грамматикасига бағишланган мукамал ва юксак даражадаги асарлардан бири ҳисобланади<sup>15</sup>.

Замахшарийнинг “Ал-Фоиқ фи ғариб ил-ҳадис”(“Ҳадисдаги нотаниш сўзларни ўзлаштирувчи”) асари ҳам луғат бўлиб, ҳадис ва адабий асарларда учрайдиган, маъносини тушуниш қийин сўзларга бағишлаб ёзилган.

Маҳмуд Замахшарийнинг грамматикага оид асарлари, араб тилшунослигининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатган. Улар кўп

---

<sup>12</sup>Исломов З.М. Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили. Филология фанлари номзоди дис.автореф. – Тошкент, 1993.– 161 б.

<sup>13</sup>Қаранг: Рустамов А.Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 12.

<sup>14</sup>Сулаймонова Н.А. “Маҳмуд аз-Замахшарий «Асос-ул-балоға» асарининг манбашунослик тадқиқи”. Филология фанлари номзоди дис.автореф.– Тошкент, 2006.– Б.133-136

<sup>15</sup>Рустамов А.Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 14.

сонли тадқиқотларнинг бошланиш нуқтаси бўлган, унинг қисмлари бошқа асарларга киритилган.

Шунингдек, алломанинг географияга оид “Китаб ал-жибал ва-л-амкина ва-л-мийах” (“Тоғлар, маконлар ва сувлар”) асари мавжуд<sup>16</sup>.

Замахшарийнинг Қуръони каримга ёзилган машҳур тафсири “Ал-Кашшоф” асари ислом дунёсида жуда катта шухрат қозонган. Ҳозирги даврда ҳам, турли ислом давлатларидаги диний мадрасаларда Қуръон тафсири бўйича жуда ҳам кўп тафсиллар бўлишига қарамай айнан ушбу асар “Ал-Кашшоф” ўқитилади. Бунга сабаб, асар ўз йўналишида ягона бўлган лингвистик тафсир ҳисобланади.

Замахшарий ўткир олим бўлиш билан бирга моҳирёзувчи ва шоир ҳам эди. Унинг араб тили адабиёти ва услуби соҳасидаги билимлари бадиий асарларида акс этган. Замахшарийнинг “Навобиғ ул-калим” (“Ҳикматлисўзлар”), “Мақомат уз-Замахшарий” (“Замахшарий мақомлари”) каби асарлари бадиий насрнинг юксак намуналари ҳисобланади. Улар Шарқ шеърини назариясини, адабий-эстетик қарашлар тарихини, ахлоқий-таълимий фикрлар тақомилини ўрганишда ҳамон ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

## **2. Ўрта Осиёда “Ал-Қустос” гача яратилган арузга доир асарлар.**

Аруз – (العروض) араб поэзиясининг шеърини вазни. Аруздаги шеърнинг биринчи намуналари мелодий V асрга тааллуқли. VIII аср иккинчи ярмига келиб аруз илмий асосланган фанга, кейинроқ тугал тизимга айланди.

Аруз назарияси шарқ мумтоз шеъринида энг кўп қўлланилган ягона шеър вазни ҳисобланади. Аруз вазни илк бора араб шеъринида вужудга келади, кейинчалик у форс-тожик ва туркий халқлар мумтоз поэзиясининг ҳам асосий вазни тури сифатида шаклланди ва такомиллашди.

А.Рустамовнинг фикрича, “Аруз деб, бир қанча Шарқ халқлари адабиётида жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида қўлланиб келинаётган ўзига

---

<sup>16</sup>Крачковский И.Ю. Избранные сочинения. Том 4. – М.-Л.: Изд. Академии Наук СССР, 1957, стр. 313

хос вазн системасига ҳамда шу ҳақидаги илмга айтилади. Аруз вазни бўғинларнинг талаффуздаги узун-қисқалигига асосланган бўлиб, музика билан чамбарчас боғлиқдир”<sup>17</sup>.

Э.Талабовнинг ёзишича, “Араб арузининг квантитативлик моҳияти тилдаги мавжуд бўғинларнинг миқдорида белгилаб қўйилган имкониятларидан фойдаланиш ҳисобига қурилган”<sup>18</sup>.

Араб шеъри метрикаси нега “аруз” аталишига ўз муносабатларини деярли барча арузшунослар ўз тадқиқотларида тўхталиб ўтганлар. Лекин фикрлар борасида ихтилофлар мавжуд.

А. Рустамов: Баъзилар аруз сўзининг луғавий маъноси “ қийин йўл” , бу илм қийин бўлгани учун уни “аруз” деб атаганлар дейдилар. Айрим арузчилар бу сўз “арз қилинадиган” деган маънога эга, шеърнинг вазнини аниқлаш учун бу илмга мурожаат қилинади. Шу сабабдан унга аруз деб ном берганлар деган фикрни айтганлар<sup>19</sup>.

Хотиб Табрзий : “... чодир мустаҳкам туриши учун унинг ўртасига қўйиладиган тиргак устунни “аруз” деб атайдилар; аруз билимдонлари эса, биринчи мисранинг охиридаги рукни аруз аташади. Худди чодир ўша устунга таянгани каби, байт шу рукнга таянади; чунки бу рукн талаффуз этилганда шу шеър қайси баҳрга тегишли эканлиги маълум бўлади”<sup>20</sup>.

Ас-Сайид Ҳошимий: Билимни аруз деб аташга сабаб шуки, Халил уни Макка билан Тоиф ўртасидаги шу номли жойда кашф этди.<sup>21</sup>

Маълумки, арузшунослик аруз шеърий тизими хусусиятларини тадқиқ қилувчи адабиётшунослик соҳасидир. Аруз тизими ҳақида илк тадқиқот VIII асрда араб тилшунос ва мусиқашунос олими Ҳалил ибн Аҳмад қаламига мансуб бўлиб, «Ал-Аруз» деб аталади. Унинг “ал - Айн” номли араб тили

---

<sup>17</sup>Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 5.

<sup>18</sup>Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими, ДДА. – Б. 33.

<sup>19</sup> Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972. – Б. 6.

<sup>20</sup> .111. ص. 1977، القاهرة، القافي، العروض و القافي، 1977.

<sup>21</sup> الهاشمى احمد، ميزان الذهب في صناعة العرب، القاهرة، 1966. ص 19

изоҳли луғати, мусиқага оид “ан-Нағам” (“Оҳанг”), “ал-Ийқо” (“Ритм”) номли асарлари мавжуд бўлган.

Халил ибн Аҳмад исломдан илгариги V – VII ва ўз давригача бўлган VII – VIII асрлардаги шоирларнинг асарларини ўқиб, ўрганиб, таҳлил этиб, аруз баҳрлари ҳақида ўз шеърӣ назариясига асос солди. Ушбу аруз системасини яратган вақтда аруз, умуман шеърӣ система ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаган шоирлар томонидан исломгача бўлган араб шеърӣтида бир қанча асарлар яратилган ёки ёзилаётган эди. Бу шеърларнинг кўпчилиги Халил яшаган даврга қадар яратилгани учун уларга тарихий нуқтаи назардан ёндашувга имкон беради<sup>22</sup>.

Халил ибн Аҳмад юзга яқин аруз вазни ораларидаги муштараклик аломатларига қараб уларни 15 гуруҳга бўлади ва бу гуруҳларни баҳрлар деб атади. Халилдан сўнг Абулҳасан Ахфаш исмли бир адиб арузга “Мутадорик” деб аталувчи яна бир баҳрни қўшади. Ибн Усмон Мазиний, Имом Аҳмад ибн Абдураббих, Ибн ал-Хатиб ат-Табризий, Зиёвуддин Абул Жайш ал-Ҳазражий каби араб олимлари ҳам аруз шеърӣ тизими назарӣ масалалари хусусида изланишлар олиб борганлар.

Шунингдек, араб шеършунослигининг ривожланишида хизматлари беқиёс бўлган, бизнинг заминдан чиққан бир қанча алломалар ҳам аруз илмига оид асарлар ёзишган. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Саккокий, Исмоил ал-Жавҳарий, Абу Хафс Насафий Маҳмуд Замахшарийнинг асарлари жуда аҳамиятли.

Ушбу аруз илмига оид олимларимиз томонидан ёзилган баъзи араб тилидаги асарлар, рисоалар ва уларнинг муаллифлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Соф араб арузи мавзусини ишлашда мавороуннаҳрлик олимлар аруз билими асосларига бағишлаб рисоалар битишди, арабий арузнинг ёзма қайд қилинган матнини яратишда фаол иштирок этишди.

---

<sup>22</sup>Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. – Б.7.

Биринчилардан бўлиб, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий шундай ҳайрли ишни бошлаб берган. X асрда Сомонийларнинг учинчи вакили Нух ибн Мансур ҳукмронлиги даври (975 – 997) да ижод қилган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Юсуф ал-котиб ал-Хоразмий ўзининг “Мафотих ал-улум” (“Илмларнинг калитлари”) номли қомусий мажмуасини яратди. Ушбу асар аруз борасидаги дастлабки махсус тадқиқотлардан ҳисобланади. Биринчи бўлим бешинчи бобини аруз илми, унинг баҳрлари, соғлом ва тармоқ рукнлари, иллат ва зиҳофлари таърифига бағишлаб, шеърий мисоллар билан таъминлаган. Шу билан бирга қофия, унинг турлари, истилоҳларнинг келиб чиқиши, қўлланилиши ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган.

Хоразмий рисоласининг танқидий матни 1895 йилда голланд шарқшуноси Ван Флотен томонидан Лейден, Берлин ва Лондон шаҳарларидаги қўлёзмалар фондида сақланаётган бешта қўлёзма асосида тайёрланиб, нашр қилинди<sup>23</sup>. Ўзбек олимларидан М. Хайруллаев, Р.Баҳодиров ушбу энциклопедик асарнинг турли қирраларини таҳлил қилди. Шунингдек, Мухлисахон Зиёвуддинова томонидан Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асаридаги аруз тўғрисидаги боблар илмий тадқиқ этилган<sup>24</sup>. Унда олима аруз вазни, қофия илми, бадиятшуносликка оид қисмларини таржима ва таҳлил этиб илмий истифодага киритган.

Олим меросига ўз вақтида И.Крачковский, В.В.Бартолд, П.Булгаковлар эътибори қаратилган. К.Броккельман унинг ҳақидаги маълумотни ўз “Араб адабиёти тарихи”га киритган.

X асрда яшаган фороблик аллома Абу Наср б. Ҳаммод Жавҳарий ёзган “ас-Сихоҳ” асари араб тилининг изоҳли луғати ҳисобланади. У ўзининг арузга доир “Аруд ал-Вурқати” асарида аруз фанини ислоҳ қилиб, 16 баҳрни 12 баҳрга келтиради, олти ва тўрт рукнли мисоллар билан таъминлайди. Ал-Жавҳарийнинг “Аруз ал-Вурқатий” рисоласи Халил ибн Аҳмад яратган

---

<sup>23</sup>Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001. – Б.5.

<sup>24</sup>Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.

тизимига ҳар вақт қиёсий ва танқидий муносабат мавжуд бўлганлиги, ана шу танқидий муносабатнинг мезони эса илмни ривожлантириш бўлганлигини тасдиқлайди. Чунки, Ал-Жавҳарийнинг китоби бизнинг давримизгача келган аруз илми тўғрисидаги энг қадимий рисоалардан бўлиб, унда Халил ибн Аҳмад назарияси танқид остига олингандир<sup>25</sup>.

Олимнинг “Аруд ал-Вурқати” рисоласи қўлёзмаси турк олими Отиф Афандининг машҳур кутубхонасида сақланади. 1994 йили рисола Муҳаммад Саъди Жуганлий томонидан текстологик қиёсий матн тарзида чоп этилган.

XI – XII асрларда яшаб ижод этган насафлик аллома Абу Хафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафий (1068 – 1142) нинг ЎзФАШИ да сақланаётган “Матлаъу-н-нужум ва мажмаъу-у-улум” (“Юлдузларнинг чиқиши ва илмларнинг жам бўлиши”) номли қомусий мажмуасида 50 дан ортиқ асари жамланган. У ердаги арузга оид асари “Мухтасару-л-аруз ала усули-л-маъруз” (“Арузга оид қисқа рисола”) деб номланиб, у қўлёзманинг 302 а – 307 б саҳифаларини ўз ичига олган. Унда аллома баҳрлар, рукнлар, иллат ва зиҳофлар, доиралар ҳақида маълумотлар беради. Бундан ташқари Насафийнинг “Ихтилофлар ҳақида китоб” номли асари шеърӣ йўл билан ражаз баҳрида ёзилган бўлиб, 2666 байтни ўз ичига олган. У ислом ҳуқуқшунослиги бўйича буюк имомларнинг фикрлари ўртасидаги ихтилофларга оид асардир.

XII аср охири XIII аср биринчи чорагида яшаб ижод этган хоразмлик аллома Абу Ёқуб Юсуф ибн Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ас-Саккокий томонидан “Мифтоҳ ал-улум” (“Илмларнинг калити”) асари ёзилди. Мазкур асарнинг I ва II бобларида муаллиф араб тили грамматикасини мукаммал ишлаб чиқиб, унинг мантиқий давоми сифатида III бобни “Маъоний” ва “Баён” илмларига бағишланди. Мазкур илмлар таркибига “Илм ал-истидлол” (“Далил келтирувчи илм”), “Илм ал-бадеъ” (“Бадиият илми”), “Илм аш-шеър”, “Илм-ал-қавофи”ларни ҳам киргизган. “Мифтоҳ ал-улум” асари шуҳрат топиб, унга мулло котиб Чалабийнинг “Кашф аз-зунун ан асоми-л-

---

<sup>25</sup>Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии, АКД, - Т., 2002.

кутуб ва-л-фунун” асарида келтирилишича 70 дан ортиқ шарҳ, талҳис ҳошия ва таълиқотлар ёзилган. Араб ва ажам олимларининг таъкидлашларича, Юсуф ас-Саккокий бу асарида бадиият илми ҳақидаги кўп асрлик таълимотга илмий яқун ясаган. Қўлёзманинг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади(№519-М)<sup>26</sup>.

XII асрда ёзилган аруз илмига оид рисола яна бир улуғ ватандошимиз араб ва ажам фахри ҳисобланган Жоруллоҳ Махмуд ибн Умар аз-Замахшарий Қаламига мансуб “Қустос фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида вазн”) деб аталади. Аруз илмига оид бу асарнинг тўлиқ номи “Ал-Қустос ал-мустақийм фи илм ил-аруз” (“Аруз илмида аниқ мезон”)дир. Рисоланинг қўлёзмаси Қоҳира шаҳрида “Дор ул-кутуб” да сақланади. Шунингдек, тарихчи Журжи Зайдоннинг ёзишича, “Ал-Қустос”нинг баъзи нусхалари Берлин ва Лейденда ҳам сақланади<sup>27</sup>.

Шунингдек, аруз илмига оид яна бир асар Ёкут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ул-удабо”(“Адабиёт намоёндалари мажмуаси”) асари<sup>28</sup>дир. Ушбу асарда XIII аср Ўрта Осиё арабийзабон шеърляти вакиллари, унинг ўзига хос қирралари, мана шу давр маданий ва адабий муҳити борасидаги қарашлар билан биргаликда шоирлар ижодига тааллуқли вазн, қофия ва бадиий воситалар хусусиятлари борасида ҳам қимматли фикрлар келтирилади.

Абу Али Ибн Сино ҳам бу мавзуда икки асар ёзган. Биринчиси, “Ҳаракат, муҳокот, шеър” *меҳвари* масалаларидан баҳс юритувчи асар бўлиб, “Шифо” китобига “Мантиқ-у-шиър” номи билан киритилган. У алоҳида китоб сифатида А.Бадавий томонидан нашр этилган. Ибн Синонинг яна бир китоби “Арудий ҳикматлари” таркибига киритилган “Маъани-ш-шиър” асари ҳам аруз ва поэтика ҳақидадир.

Шарқ шеършунослигида биринчилардан бўлиб, шеър тузилишининг бадиий аҳамиятини хис этган аллома Абу Райҳон Беруний арузий шеърни

<sup>26</sup>Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.

<sup>27</sup>الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي. القاهرة، ص. 61.

<sup>28</sup>Элмуродов И.К., Эшмуродов М. X-XII аср Хоразм маданияти Ёкут ал-Ҳамавий талқинида. –Т.: 2005.

киёсий ўрганишда биринчи бўлди. Олим ўзининг Ҳиндистон сафари асносида арабий аруз тизими билан назарий қиёс қилди”<sup>29</sup>.Беруний араб шеър тузилишининг ҳинд шеър тузилиши билан яқинлиги ҳақида фикр билдирган.

Бобаколонларимиз қолдирган ушбу асарлардан фойдаланган ҳолда жуда кўп араб олимлари арузга доир замонавий асарлар ёздилар. Масалан:

Мустафо Ҳаракат “Шеър вазнлари”<sup>30</sup> номли аруз илмига бағишланган китоб ёзди. Унда аруз баҳрлари, аруздаги ўзгаришлар, шеър баҳрлари қисмида кўплаб жохилия даври шоирлари: Имрул Қайс,Зухайр ибн Абий Сулма, Тарафа, Мутанаббий, Абий Фароси, Ал-Бухтурий кабишоирларнинг қасидалари атрофлича ўрганилиб чиқилган.

Олим Абдуллоҳ Дарвешнинг “ Дирасат фи илми-л-аруд ва ал- қофия”<sup>31</sup> (Аруз ва қофия илмидан дарслик) асари мавжуд бўлиб, у икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида аруз вазни , шеърый баҳрлар таркиби, рукнларнинг турлари ҳақида бўлса, иккинчи қисмида қофия илми ҳақида маълумотлар берилган.

Араб олими Абдулазиз Атиқ ҳам аруз илмига тегишли “Аруз ва Қофия илми” <sup>32</sup>номли асар яратган. Бу асар жуда ҳам мукамал ёзилган. Асарда аруз илми, унинг яратилиши, аруз назарияси, атамаси ва арузий доиралар кенг ёритилган. Шунингдек, асарда “Баҳр калитлари” деб номланган фасли мавжуд бўлиб, унда баҳрларни ўрганиш ўзгача аснода берилган.

Қолаверса, арузшуносликка оид манбалар билан М.Ҳартманн, Р.Блашер, Д.Ф.Фролов, И.М.Фильштинский, И.В.Стебелева, А.Е.Бертельс, Б.Сирус, Кремер каби ғарб шарқшунос олимлари илмий изланишлар олиб боришган.

---

<sup>29</sup>Талабов Э. Араб шеърятда аруз тизими, ДДА. – Б. 10

<sup>30</sup>مصطفى حرکات. أوزان الشعر. الدار الثقافية للنشر. القاهرة. 1998. ص. 233. الدكتور

<sup>31</sup>الدكتور عبدالله درويش. دراسة في العلم العروض و القافية. جامعة دار العلوم. القاهرة. 1987. ص. 157.

<sup>32</sup>الدكتور عبد العزيز عتيق. علم العروض و القافية. دار النهضة العربية. بيروت. 1987. ص. 211.

Ўзбек олимларидан эса, Фитрат, А. Рустамов, Хожааҳмедов, Ш. Шомуҳаммедов, У Тўйчиев, Г. Тўйчиева, М. Зиёвуддинова, Э. Талабов кабилар арузшунослик соҳасида тадқиқотлар яратишган.

Шунга қарамай, аجدодларимиз яратиб келган арузшуносликка оид барча қўлёзма манбалар ўрганилган деб айта олмаймиз. Шулар орасида Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий аруз илмига мансуб “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асари муҳим мақомга эга.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аруз илмининг ривожланишида ва унинг қонуниятларини ўрганишда буюк бобокалонларимиз қолдирган кўплаб қимматли асарлар жуда аҳамиятлидир.

Қолаверса, бугунги кунда арузшунослик соҳаси вакиллари ва аруз илми билан шуғулланувчи олимлар ўз тадқиқотларида ушбу асарлардан фойдаланишлари мумкин.

### **3. Маҳмуд Замахшарийнинг “Ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарининг тавсифи ва унинг нусхалари ҳамда асарга ёзилган шарҳлар.**

Тадқиқот объекти ҳисобланган XII асрда ёзилган аруз илмига оид рисола улуг ватандошимиз араб ва ажам фаҳри ҳисобланган Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Замахшарий Қаламига мансуб “ал-Қустос фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида вазн”) асаридир. Асарнинг тўлиқ номи “Ал-Қустос ал-мустақим фи илми-л-аруз” (“Аруз илмида аниқ мезон”)дир.

Ишда Мисрнинг Қоҳира шаҳридаги “Дор ул-кутуб” да сақланаётган қўлёзманинг фотонусхаси истифода этилди. Ушбу фотонусха Ўткир Қориев томонидан Тошкентга олиб келинган ва ҳозирда ф.ф.н. доц. Мухлиса Зиёвуддинованинг шахсий коллекциясида сақланади.

Рисола араб тилида ёзилган бўлиб, ўттиз уч бетдан иборат. Асар ўзига хос риқоъ хатида қора туш билан кўчирилган. Асар басмала билан бошланади. Басмаладан кейин ҳамд қисми келади. Ҳар бир саҳифа 13 сатрдан иборат. Ўлчами : 23,5; 15,5.

Ёзувнинг сифати яхши. Саҳифанинг чап томонида пойгирлар бор. Баъзи сўзлар остига изоҳлар бериб ўтилган. Қўлёзма 871 ҳижрий йилнинг жумадул аввал ойида тунда тамомланган.

Қўлёзманинг биринчи саҳифасида турли манбаларга алоқадор шеърӣ ва насрий матнлар мавжуд.

Асарнинг кейинги саҳифасида басмала қисмидан кейин қуйидаги жумла билан бошланади:

"قال الشيخ الإمام الأجلّ العلامة، جار الله، فخرُ خوارزم، أبو القاسم، محمود بن عمر الزمخشري"

Таржимаси: “Энг буюк аллома имомларнинг пешвоси, Аллоҳнинг қўшниси, Хоразм фаҳри Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарӣ айтиди ”

Рисоланинг қўлёзма нусхаларидунёнинг машҳур кутубхоналарида сақланади. Жумладан, Қоҳира шаҳрининг “Дор ул-кутуб” кутубхонасида 60, 2 ва 499 ҳужжат рақамлари остида мавжуд<sup>33</sup>. Шунингдек, тарихий романлар муаллифи Журжи Зайдоннинг ёзишича, “Ал-Қустос”нинг баъзи нусхалари Лейденда ҳам сақланади<sup>34</sup>.

Доктор Фаҳриддин Қибованинг “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарининг муқаддимасида қуйидаги маълумот келтирилган:

- Қўлёзма нусхаларидан бири Халаб шаҳрининг Миллий Дор ул кутубида ;
- 990 ҳужжат рақами остида Истанбулдаги Ашир Афанди кутубхонасида ;
- 7111 инвертар рақами остида Берлинда;
- 191:1 инвертар рақами остида Афинада;
- 497 : 8 рақами остида Ҳиндистоннинг Патна кутубхоналарида ҳам сақланади.

<sup>33</sup>الدكتور فخير الدين قباوة. تحقيق القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف. 1989. بيروت، ص. 33

<sup>34</sup>الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي. 1966. القاهرة، ص. 61

Немис шарқшуноси К.Броккельманнинг “Араб адабиёти тарихи” асарида<sup>35</sup> “Ал-Қустос” Берлинда 7111, Лейденда эса 267 рақами остида сақланади деган маълумот бор.

Халаб шахрининг Миллий Дор ул кутубида сақланадиган “Ал-Қустос” нинг 24 варақдан иборат нусхаси мавжуд. Ҳар бир саҳифаси 15 сатрдан иборат. Ёзувнинг сифати яхши.

Шунингдек, асарнинг Саудия Арабистони университетиде сақланадиган нусхаси ҳам мавжуд<sup>36</sup> 1853 йил кўчирилган бўлиб, 416 инвертар рақами остида сақланади. Нусхаси яхши, насх хатида кўчирилган, ўлчами 14 x 19. Саҳифаси 20 варақдан иборат.

Олим Зоҳиджон Исломовнинг маълумот беришича, Замахшарийнинг “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарининг қўлёзмаси Тошкентда мавжуд эмас. Бироқ академик Алибек Рустамовнинг “Маҳмуд Замахшарий” номли асарида “Ал-Қустос”нинг Берлин ва Лейденда сақланадиган қўлёзмаларнинг бирининг фотонусхаси Тошкент Давлат университетининг асосий кутубхонасида сақланади деган маълумот бор<sup>37</sup>. Афсуски, ҳеч бир фонд ва кутубхоналардан ушбу асарнинг қўлёзмасини топиш имкони бўлмади.

1970 йилда Нажафдаги (Ироқ) “Ан-Нуъмон” матбаасида олима Баҳийжа Боқир ал-Ҳусний томонидан “Ал-Қустос”нинг танқидий нашри чоп этилган<sup>38</sup>.

Шунингдек, Замахшарийнинг ушбу “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асари 1989 йил Ливаннинг Байрут шаҳрида доктор Фаҳриддин Қибова томонидан ҳам иккинчи мартаба чоп этилган. Асар Халаб шаҳридаги қўлёзмалар хазинасида сақланади.

“Ал-Қустос” ёзилганидан буён илм аҳллариининг эътиборини ўзига тортган, шунинг учун баъзи олимлар бу асарга шарҳлар ва қисқартмалар

---

<sup>35</sup>Brockelmann C. Geshsichte der arabischen letteratur. /BD 1, Leiden, 1943 -1949; p: 291.

<sup>36</sup> 416 القسطاس المستقيم في علم العروض. محمود بن عمر الزمخشري. 538هـ. بخط سنة 1853 ميلادية. دار الكتب المصرية.

<sup>37</sup>Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б. 14.

<sup>38</sup>Абу-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон Уватов У. – Т., 1992. – Б. 26.

ёздилар. Қуйида Замахшарийнинг “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарига ёзилган машхур шарҳ ва қисқартмаларни келтирамиз:

Араб олими Абдул-вахҳоб ибн Иброҳим аз-Занжоний томонидан ушбу асарга шарҳ ёзилган. Мазкур шарҳ “Тасхиху-л-Микъяс фий тафсири-л-Қустаси” (“Мезонни тўғрилашда Қустос тафсири”). Бу шарҳда баҳрларнинг ҳар бир кўринишига шеърий мисоллар келтирилган.

Олим Аҳмад ан-Наҳвий ал-Мувассили ҳам “Ал-Қустос”га шарҳ ёзган. Ушбу шарҳ Лейднда 267 рақами остида сақланади.

1989 йил Ливаннинг Байрут шаҳрида доктор Фаҳриддин Қибова томонидан ҳам Замахшарийнинг “ал-Қустос фи илми-л-аруз” асарига бағишланган тадқиқот мавжуд<sup>39</sup>. Ушбу тадқиқот 1989 йил ёзилган бўлиб, Байрутнинг “Маъориф” кутубхонасида сақланади.

Қўлимиздаги уч нусха: Халаб нусхаси, Саудия нусхаси<sup>40</sup> ҳамда Қоҳира нусхадарини қиёсий ўрганиб чиқилганда айрим фарқли томонларикузатилди. Масалан, Халаб нусхасининг Қоҳира нусхасидан фарқли жиҳати мавжуд. Бу нусхалар тўлиқ, хати тиниқ ҳамда тугатилган санаси мавжуд. Бир-биридан фарқи шундаки, қўлёзмадаги ҳошиялардабошқа-бошқа изоҳлар берилган. Ҳамда Халабдаги қўлёзмада доиралар боби йўқ, Қоҳира нусхасида эса доиралар ҳақида боб мавжуд бўлиб, улар хусусида тўлиқ маълумот берилган. Бироқ, Саудия Арабистони Университетида сақланадиган нусхаси бу икки нусхадан кўп жиҳаттан фарқ қилади; нусхада ҳошиялар берилмаган, баҳрларга келтиритган мисоллар ҳам турли ҳил.

---

الدكتور فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف. بيروت. 1989.

<sup>40</sup>Ушбу нусхалар интернет тармоқларидаги миллий кутубхоналардан олинди.

## Хулоса

Буюк ватандошимиз Махмуд ибн Умар аз-Замахшарийнинг бизга қолдирилган маънавий мероси катта тарихий ва адабий қийматга эга бўлиб, уни ўрганиб илмий истифодага киритиш муҳим назарий ва амалий мазмун касб этади.

Буюк ватандошимиз Замахшарий қомусий олимлар қаторига киритилгани бежиз эмас. Унинг турли соҳаларда ёзилган асарлари барча замонларда Шарқу Ғарб халқлари орасида шуҳрат қозонган. Шунинг учун ҳам Махмуд Замахшарийнинг бой илмий мероси ўз даврида ҳам ҳозирги кунда ҳам тадқиқотчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиб келинмоқда.

Аруз илмининг ривожланишида ва унинг қонуниятларини ўрганишда буюк бобокалонларимиз қолдирган кўплаб қимматли асарлар жуда аҳамиятлидир.

Қолаверса, бугунги кунда арузшунослик соҳаси вакиллари ва аруз илми билан шуғулланувчи олимлар ўз тадқиқотларида ушбу асарлардан фойдаланишлари мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Араб тилидаги манбалар

الدكتور أحمد الحوفي. الزمخشري. دار الفكر العربي القاهرة. 1966.

الدكتور فخير الدين قباوة. القسطاس في علم العروض. مكتبة المعارف بيروت. 1989.

### Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Абу-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Аҳмад аз-Замахшарий. Нозик иборалар. Шарҳлар муаллифи ва таржимон Уватов У. – Т., 1992.
2. Алиев С. Аруз илми. – Бухоро, 1995.
3. Рустамов А. Аруз ҳақида суҳбатлар. – Т.: Фан, 1972.
4. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971.
5. Султонов Иззат. Адабиёт назарияси. – Т.: Ўқитувчи, 1980.
6. Талабов Э. Араб шеърлятида аруз тизими, ДДА. – Т., 2004.
7. Талабов Э. Араб арузи. – Т. 1977.
8. Тўйчиева Г. Форс арузи рисолалари. – Т.: ТошДШИ.
9. Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
10. Элмуродов И.К., Эшмуродов М. X-XII аср Хоразм маданияти Ёкут ал-Ҳамавий талқинида. – Т.: 2005.
11. Зиёвуддинова М. Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмийнинг “Мафотих ал-улум” асарида поэтика. – Т.: ТошДШИ, 2001.
12. Зиёвуддинова М. Юсуф ас-Саккокий ва унинг “Мифтоҳ ал-улум” асари // Шарқ филологиясининг тугун ва ечимлари, Тошкент, 2005. – Б: 177-181.

### Рус тилидаги адабиётлар

1. Калиева Ш.С. Творчество Исмаила ал-Джаухари и его место в арабской филологии, АКД, - Т., 2002.
2. Зиявиддинова М. Поэтика в “Мафатих ул улум” Абу Абдаллаха ал-Хорезми”, АКД. – Ташкент, 1990.

## Интернет сайтлар

1. [www.al-mostafa.com](http://www.al-mostafa.com)

2. [www.wattpad.com](http://www.wattpad.com)

3. [www.waqfeya.com](http://www.waqfeya.com)